O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
28 апрель
ШАНБА

№ 35
(11.942)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

## ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АСОСИДА РИВОЖЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 апрель куни Оқсаройда Япониянинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Акира Амарини қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Японияни ишончли ва яқин ҳамкор мамлакат сифатида билишини, ўзаро алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланаётганини таъкидлади.

– Сизнинг раҳбарлигингизда Япония ҳукумати аъзолари ва йирик корпорациялар вакилларидан иборат делегациянинг мамлакатимизга ташрифига ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш жараёнидаги муҳим босқич сифатида қараймиз, – деди Ислом Каримов. – Мустақиллик йилларида қарор топган ва изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Япония муносабатларини юксак қадрлаймиз. Ўзбекистонда Япония билан ҳамкорликда стратегик аҳамиятга молик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Президентининг 2002 йили Японияга ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотга мос равишда ривожланиб бормоқда. Турли мақомдаги делегацияларнинг ташрифлари амалга оширилди, кўплаб учрашувлар, кўргазма, семинар ва форумлар бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Япония ўртасида ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олиши тарафдори. Япония Ўзбекистондаги ислоҳотларни, мамлакатимиз раҳбарининг Марказий Осиё Умумий бозорини яратиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Япония ташқи сиёсатида Ўзбекистон ва минтақамизнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, интеграция жараёнларини фаоллаштириш мақсадида "Ипак йўли дипломатияси" ва "Марказий Осиё + Япония" мулоқот механизми шаклланган.

Мазкур мулоқот доирасида 2006 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида Ҳаракат дастури ҳамда Техникавий ҳамкорлик битими имзоланди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталари ҳар йили қўшма мажлис ўтказиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилайди, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, истиқбол режаларини ишлаб чиқади. Япония-Ўзбекистон қўмитасига Йосиро Мори, Таро Асо сингари таниқли сиёсатчилар, "Мицуи", "Марубени", "Тошиба", "Чори", "Тойота", "Шимидзу" каби корпорацияларнинг, йирик банк ва молия муассасаларининг раҳбарлари аъзо эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳозир мамлакатимизда тўққизта Ўзбекистон-Япония қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, машинасозлик, савдо, транспорт хизмати, сайёҳлик соҳаларида иш юритади. Ўзбекистонда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO), "Мицуи", "Мицубиси", "Сумимото", "Нише Иваи", "Иточу", "Тойота Цусе" каби 21 йирик корпорациянинг ваколатхонаси очилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Масалан, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини барпо этиш лойиҳаси учун Япония ҳукумати 150 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратган. Самарқанддаги автомобиль заводида "Исудзу" русумли автобус ва юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятига яна бир ёрқин мисолдир. Умуман, ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейинги даврда Япониянинг Ўзбекистонга киритган сармояси ҳажми салкам 2 миллиард АҚШ долларига етди.

Гуманитар ҳамкорлик борасида айниқса илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқалар изчил ривожланаётганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонлик саккиз юздан зиёд мутахассис JICA йўналиши бўйича Японияда малака оширди. Ўтган йили Японияда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" фондининг ваколатхонаси очилгани маданий ҳамкорлик йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирига бир неча йирик корпорация вакиллари ҳамроҳлик қилмоқда. Улар Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини ташкил қилиш, шунингдек, суғурта, кончилик ва нефть-газ саноати, кичик бизнес соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари билан яқиндан танишиш ниятида.

Акира Амари самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Иқтисодий алоқаларни кенгайтириш борасида Ўзбекистон ва Япониянинг имкониятлари катта эканлигини, уларни тўла ишга солишдан икки томон ҳам манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**ЎзА.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 62 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 50 000 (эллик минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**.
Тошкент шаҳри, 2007 йил 27 апрель.

**Оҳангарон шаҳридаги «AKFA» қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хусусий корхонасида тайёрланаётган эшик, дераза ромлари ва бошқа турдаги маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда.**

## БУЮРТМАЧИ УЧУН ҚУЛАЙ

Буюртмачилар учун муҳим қулайлик шундаки, корхона сотилган маҳсулотни манзилга етказиш билан бирга, уларни ўрнатиб беришдек қўшимча хизмат турларини ҳам бажаради.

— Бозор шароитини ўрганган ҳолда келажакда ун ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех ташкил этмоқчимиз, — дейди корхона раҳбари Темур Қобилов. — Шу мақсадда бу ерда 6 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

## ПАРВАРИШНИ БОШЛАШДИ

Ўртачирчиқлик фермер Тешабой Мирзакаримов бошчилигидаги хўжалик аъзолари 54 гектар майдонга чигит қададилар. Айни дамда бир текис, тўлиқ униб чиққан ниҳолларни ягана қилиш бошлаб юборилди.

— Деҳқончиликда муваффақият ғойибдан келмайди, — дейди фермер. — Бунинг учун барча имконият ва тажрибалардан омилкорлик билан фойдалана билиш лозим. Бултур агротехник тадбирларни рисоладагидек адо этган эдик. Пахтадан 34, ғалладан 65 центнердан ҳосил кўтардик.

Дарҳақиқат, ўз вақтида қилинган ҳеч бир юмуш бесамар кетмайди. Хўжалик аъзолари бу йил ҳам мўл ҳосил учун бошиданоқ пухта замин яратмоқдалар.

**Мўмин ИБОДОВ.**





**СУРАТДА:**
фермер Т. Мирзакаримов чигит текис униб чиққанидан мамнун.
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

### Қарор ва ижро

**Мамлакатимизда аҳолининг соғлигини сақлашга, истеъмол бозорига сифатсиз маҳсулотлар кириб келиши ва сотилишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги ишларни яхшилашга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилаётганлиги бу масаланинг нақадар муҳим эканлигидан далолат беради. Яқинда қабул қилинган «Алкоголь маҳсулотлари чакана савдосини янада тартибга солиш тўғрисида»ги қарор бу муаммо ҳаётимизда долзарб тус олганлигини тасдиқлайди.**

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Шу қарорга асосан 1 майдан бошлаб республикамиз ҳудудида махсус рухсат гувоҳномалари асосида алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш мумкин бўлади. Рухсат гувоҳномалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари ҳузурида ташкил этилган махсус комиссиялар томонидан берилади. Шунингдек, спиртли ичимликлар фақат махсус омборхона ва ускуналар билан жиҳозланган, санитария қоидаларига жавоб берадиган, бошқа барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган, товар-моддий бойликларни сақлаш имконини берувчи, алоҳида кириш йўлагига эга ва савдо зали шаҳарларда 25 квадрат метрдан ва қишлоқ жойларда 15 квадрат метрдан кам бўлмаган, олис тоғли туманларда эса алоҳида савдо секциясига эга бўлган турғун савдо шахобчаларида савдо қилишга рухсат этилади. Улар мактаб, мактабгача тарбия ва диний идоралардан камида 500 метр нарида, жамоат транспорт воситаларининг тўхташ жойларидан, шу жумладан, метрополитен станциялари, жамоат ва дам олиш, даволаш, спорт-соғломлаштириш муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхоналари, аэропорт, темир йўл ва автостанциялар жойлашган ҳудудлардан ташқарида бўлиши шарт.

Шуни унутмаслик керакки, фақат мажбурий стандартлаштириш ва техник талабларга жавоб берадиган, белгиланган намунадаги акциз маркаси мавжуд бўлган спиртли ичимликларни сотишга рухсат берилади. Мувофиқлик сертификати харидорларнинг биринчи талабидаёқ кўрсатилиши лозим. Барча турдаги спиртли ичимликлар учун юридик шахсларда товар-транспорт ҳужжатлари мавжуд бўлиши шарт. Улар маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчининг имзо ва муҳри билан тасдиқланган, ҳар бир маҳсулот тури учун мувофиқлик сертификати мавжудлиги унинг ҳисоб ва рўйхатга олиш рақами, амал қилиш муддати, уни берган идора тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Тадбиркорлар идорама-идора сарсон бўлишининг олдини олиш ҳамда қоғозбозликдан ҳимоя қилиш мақсадида рухсат гувоҳномасини бериш тартиби ҳам юқоридаги қарор билан тасдиқланган.

Уни олиш учун юридик шахслар туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи махсус комиссияларга ариза ва тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар билан мурожаат этадилар. Бу ҳужжатлар ўз муддатида кўриб чиқилиб, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги комиссияга тақдим этилиши керак. Вилоят комиссияси гувоҳномаларни белгиланган тартибда беради. Бу жараёнда аниқланган нуқсонлар субъектлар томонидан белгиланган муддатда бартараф этилган тақдирда ариза қайта кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилиниши мумкин.

Шунингдек, қарорда белгиланган тартибга риоя қилинмаган, алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қоидалари бузилган ҳолатларга тегишли жазо чоралари белгилаб қўйилган. Жумладан, қоидаларни бузган юридик шахсларга энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан 300 бараваригача миқдорда молиявий жарима қўлланилади, айбдор шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади. Қоидаларни бузганлиги учун жазо муқаррарлиги тадбиркорлик субъектларини нопок йўлдан қайтариши шубҳасиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, мазкур қарор айни бугунги кун талабидир. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижроси нуқтаи-назаридан ёндошганда, қарор янада теран мазмун касб этади. Бу шубҳасиз солиқ тизими ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шуни ҳис этган ҳолда қарор ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш барчамизнинг муштарак вазифамиздир.

**Шуҳрат НИЁЗОВ,**
**вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.**

### Изчил ислоҳотлар йўлида

## ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗ, МАЖБУРИЯТИНГИЗНИЧИ?

**Кейинги йилларда мамлакатимиз аграр тармоғида олиб борилган изчил ислоҳотлар натижаси ўлароқ янги қишлоқ хўжалик мулкдорлари синфи вужудга келди. Ширкат ва бошқа қишлоқ хўжалик тузилмалари тугатилиб, соҳанинг бугуни ва эртанги истиқболи тамомила мустақил ер эгалари қўлига ўтди.**



Энг муҳими, соҳани бошқаришдан тортиб, ерга, мулкка эгалик қилиш, етиштирилган ҳосилни белгиланган тартибда тасарруф этишнинг зарур ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб, қонуний кучга кирди. Бироқ, шундай бўлишига қарамай, фермерлар фаолияти билан боғлиқ талай муаммолар ҳам юзага қалқиб чиқмоқдаки, уларнинг аксариятига заминдорларнинг тармоққа оид мавжуд қонун ва кўплаб меъёрий ҳужжатлар моҳияти билан етарлича таниш эмасликлари, яна ҳам аниқроғи, уларда ҳуқуқий билим ва малаканинг талаб даражасида шаклланмагани сабаб бўлаётгани ҳам бор гап.

Шу ўринда фермерлар фаолиятини, ерлардан фойдаланиш тартибини белгиловчи қонун ва меъёрий ҳужжатлардаги айрим талаб ва тамойилларни бир қур эслаб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмаса керак.

Уларда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

(Давоми 2-бетда).




## Руслан ЧАГАЕВ: «ЮРТИМНИНГ АРДОҚЛИ ЎҒЛИМАН!»

**Мана, бир неча кундан буён диёримизда катта шодиёна. Ўзбекистон халқи, бугун яна жаҳон спорт оламининг меҳробига чин маънода даъвогар. Зеро, Руслан Чагаевнинг оламшумул ғалабаси ўзбек бокс мактабининг пойдевори мустаҳкам, келажаги буюк эканлигини яна бир бор исботлади. Ўзбек халқи эса енгилмас боксчининг ҳурматини, иззат-икромини жойига қўймоқда.**

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан республиканинг барча вилоятларида Руслан Чагаевнинг тарихий ғалабасига бағишланган қатор байрам тадбирлари ўтказилаётир. «Камолот»чиларнинг «Ўзбекнинг ғурури тоғлардан баланд!» мавзусида ўтказилган навбатдаги тадбирига йиғилган олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талабалари, ҳарбий қисмлар курсантлари ва бошқалар жаҳон чемпиони камарини ғурур билан кўтариб кириб келаётган Руслан Чагаевни гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди.

– Жаҳоннинг энг машҳур спорт майдонида янграган Ватанимиз мадҳияси, ҳилпираган байроғи вужудимни титратиб юборди. Раҳмат сенга, Руслан, сен бизнинг фахримизсан!



Бундай самимий дил изҳорларига жавобан чемпионимизнинг камтаринлик билан айтган миннатдорлик сўзлари ёшларнинг меҳрини жўштириб юборди:

– Тўғри, Николай Валуевдек номдор, бўйдор боксчи билан бўладиган жанг мени чўчитмади дея олмайман. Лекин ватандошларимнинг менга бўлган юксак ишончи, Президентимизнинг, халқимизнинг дуолари менга куч-қувват бағишлади. Ғалаба онларида, айниқса, бутун Ўзбекистон халқи, она-Ватаним, қадрдонларим кўз олдимга келди. Мени бошига кўтарган меҳроқибатли халқим олдида ҳамиша бурчлиман. Мен ҳеч бир мамлакатда ўз чемпионига бу даражада иззат-икром кўрсатилганини кузатмаганман. Мустақил Ўзбекистоннинг ардоқли ўғли бўлиш мени янада улкан зафарларга чорлайди...

Ҳақиқатан ҳам шундай. Бутун Ўзбекистон бўйлаб давом этаётган тантаналар маънавияти юксак халқимизнинг бетакрор табиатидан дарак. Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг ташаббуси билан Руслан Чагаев номидаги кубок учун мусобақалар ташкил этиш ҳақидаги қарори эса мамлакатимизда ёшлар спортининг ривожига берилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир янги инъикосидир.

Алалхусус, жаҳон спортининг юксак марраларини забт этувчи ўзбек чемпионлари ҳали кўплаб етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:**
учрашувдан лавҳалар. **Даврон АҲМАД олган суратлар.**

### Изчил ислоҳотлар йўлида

# ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗ, МАЖБУРИЯТИНГИЗНИЧИ?

Унга асосан, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техник ресурслар етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини бир мақсадга йўналтириш, фермер хўжаликларининг узоқ муддатли ижарага берилган ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишини рағбатлантирадиган ҳуқуқий асослар ва кафолатларни ҳаётга изчил жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган услуб ва шаклларини танлашда, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини таъминлайдиган ишончли тизимни шакллантириш каби муҳим вазифалар пухта белгиланиб, изчил амалга оширилмоқда.

Қишлоқ мулкдорларининг шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган манфаатлари ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида Низомлар қайта ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланди.

Агар давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятлари бажарилмаса, ер тўғрисидаги қонун бузилганига далиллар бўлса, ягона ер солиғи ўз вақтида тўланмас, ҳамда ер участкаларида мақсадли ва оқилона фойдаланиш бўйича фермер хўжалиги фаолияти текширилиб, аниқ хулосага келинади.

«Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонунда қайд этилганидек, фермер хўжалиги бошлиғи ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиши шарт. Ер майдони хусусийлаштирилиши, шунингдек, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

Ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш учун – ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, шу жумладан, контрактация шартномасида кўрсатилгандан бошқа экинлар экиш, ер участкасидан оқилона фойдаланмаслик, ердаги тупроқ унумдорлиги пасайишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усулларда фойдаланиш, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ягона ер солиғини мунтазам тўламаслик, ердан бир йил мобайнида фойдаланмаслик банкротлик аломатлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берадиган ва фермер хўжаликларига бошқа хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар билан мунтазам равишда, камида уч йил ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаган тақдирда ҳам фермер хўжаликлари билан ерни ижарага бериш шартномаси бекор қилиниши мумкин.

Шунингдек, етказилган зарарни ва қопланмаган зарарни ундириш учун – олинган аванс (кредит) тўловларини қоплай олмаслик, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар олдида муддати ўтган қарздорликнинг мавжудлиги, контрактация шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳам шунга олиб келади.

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан, давлат эҳтиёжи учун шартномада белгиланган ҳажмда маҳсулот етказиб берилишини таъминлаш ҳамда моддий-техник ресурслар етказиб берилганлиги ва хизмат кўрсатилганлиги учун вақтида ҳақ тўлаш бўйича ҳам масъул, ҳам жавобгардир.

Бир қатор фермер хўжаликларида чорвачилик билан шуғулланиш учун моййиллик катта. Амалдаги қонунга кўра, камида 30 бош чорва моли бўлган тақдирда чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилади. Лекин айрим фермер хўжаликлари чорва моллари туёғини камайтириб юбормоқдалар, бундай ҳолатда чорва бош сонига мутаносиб ер қолдирилиши ва ортиқча ерлар туман ҳокимлиги захирасига олиниб, қайта танловга қўйилиши лозим.

Агар чорва моли кўпайса, туман ҳокимига қўшимча ер майдони сўраб мурожаат этиш лозим. Борди-ю, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги пахта-ғалла етиштириш бўйича ҳам ер майдонига эга бўлса, чорва сонини кўпайтириш ҳисобига бу йўналишдаги ер майдонини ўз хоҳишича қўшимча озуқа эҳтиёжи учун йўналтириб олишга мутлақо ҳақли эмас.

Маълумки, Президентнинг ўтган йил бошида қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ узумзорлар фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида фақатгина тегишли ширкат аъзолари ва пайчиларига баланс қиймати бошланғич нарх деб белгиланган ҳолда, кимошди савдоси орқали тақсимланди. Яхши тушуниб олиш керакки, боғ ва узумзорлар жойлашган ер майдонлари кимошди савдоси ғолибларига ҳадя қилиш, сотиш, гаровга бериш, айрибошлаш ва субарендага топшириш ҳуқуқисиз узоқ муддатга ижарага берилган. Бу борада етарлича тушунтириш ва тарғибот олиб бориш мақсадида вилоят адлия бошқармаси республика кўчмас мулк биржаси ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан мақсадли алоқани йўлга қўйган. Унга мувофиқ, барча биржаларга боғ ва узумзорлар савдоси билан шуғулланиш қатъий ман этилди. Шунингдек, вилоят ҳудудидаги давлат ҳамда ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга юқоридаги Фармон талабига зид равишда бундай олди-сотдиларни расмийлаштирмаслик ҳақида кўрсатма берилди.

Мулк эгалари масъулияти ва бебаҳо бойлигимиз ҳисобланмиш она заминимиз тақдири билан боғлиқ жавобгарлигини ошириш мақсадида республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан «Боғ ва узумзорлардан мақсадсиз фойдаланилган ҳолатларда ер ижара шартномасини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланди ва Адлия вазирлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, расман кучга кирди.

Мазкур Низомга кўра, ердан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун боғ ва узумзорлар бузиб ташланганда, эскирган боғ ва узумзорлар янгиланганмаганда, қулай табиий иқлим шароити мавжуд бўла туриб, заминдорнинг айби ёки лоқайдлиги туфайли ҳосилдорлик кейинги 3 йил мобайнида белгиланганидан пасайиб кетганда, ижарага олинган вақтдан бошлаб ер ўз ҳолига ташлаб қўйилганда ижара шартномаси бекор қилиниши мумкин. Шунингдек, тарафларнинг ўзаро келишувига асосан, ёки туман ҳокимининг тааллуқли даъво аризасига мувофиқ суднинг ҳал қилув қарори билан ҳам ижара шартномаси ўз кучини йўқотиши мумкин.

Бундай ҳолларда захирага қайтган боғ ва узумзорлар туман ҳокимининг қарори билан қайта кимошди савдосига қўйилиб, ўзининг муносиб эгасини топади. Кимошди савдосидан тушган маблағлар ижара шартномасини бекор қилиш бўйича даъво аризасини судга киритган идораларнинг харажатларини, боғ ва узумзорларни баҳоловчи ва савдони ўтказувчиларнинг хизмат ҳақи тўловларини, ижара шартномаси бекор қилинган фермер хўжалигининг кредитор қарзларини қоплашга сарфланади. Маблағнинг қолган қисми собиқ фермернинг ихтиёрига берилади.

Кўриниб турибдики, мулк эгаси — фермер ўз ҳуқуқлари билан бирга бурчи ва масъулиятини ҳам яхши англаб олиши лозим. Зеро, фермерлик улкан имконият, катта ишонч. Шундай экан, бебаҳо заминимиз умри бекор ўтмасин, беқиёс имкониятлар кўкка совурилмасин. Шундагина тармоқ ислоҳотларидан кўзланган самара бўй кўрсатади, фермерлик ҳар томонлама манфаатли ҳаракатга айланади.

**Бахтиёр АТАМАТОВ,**
**вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Тошкент туманидаги Қизғалдоқ ҳамда Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли икки йилдан буён сув танқислигидан қийналарди. Бу вазиятни тўғрилашларини сўраб, мурожаат қилинмаган идора қолмаган эди. Фуқаролар шикоят ва арз қилишдан чарчашмаган бўлишса, мутасадди ташкилотлар турли баҳоналарни рўкач қилишдан нарига ўтмасди. Ниҳоят, аҳолининг ҳақли талаби амалга ошадиган бўлди.**

# ИЧИМЛИК СУВДАН МУАММО БЎЛМАЙДИ



— Қизғалдоқ қишлоғидаги Захариқ ва Худойназар Умаров ҳамда Кўксарой қишлоғидаги Илғор, Рамадон маҳаллаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш давлат дастурига киритилган, – дейди вилоят «Сувоқава» очиқ акциядорлик жамияти бошқарув раиси Отахон Маҳмудов. – Бу лойиҳа учун ташкилотимиз 43,6 миллион сўм, туман ҳокимлиги 40 миллион сўм маблағ ажратмоқда. Бу жараёнда ҳомий ташкилотлар ҳамда фермерларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир.

Қизғалдоқ қишлоғида ётқизилаётган сув қувурларининг узунлиги 1,8 километр. Барча юмушлар маҳалладаги юзга яқин кишининг кучи, яъни ҳашар йўли билан бажариляпти.

— Электрсиз ёки газсиз амаллаб яшаш мумкиндир, лекин сувсиз ҳаёт кечириш қийин экан, – дейди Захариқ маҳалласи Шифокор кўчаси 8-уйда истиқомат қилувчи Абдурашид Дўсимов. – Икки йил челакда сув ташиб, жуда чарчадик. Мана, ниҳоят кўкрагимизга шамол тегадиган бўлди.

— Ҳудудимиздаги сув танқислиги бизни бу неъматни авайлаб ишлатишга, тежамкорлик билан муносабатда бўлишга ўргатди, — дейди Абдулла Қодирий кўчасида яшовчи фуқаро Маъфура Тўраxўжаева. — Хонадонларимизга ичимлик суви катта меҳнат ва маблағ эвазига олиб келинаётганлигини англаб турибмиз. Келгусида биздан шунга яраша талаб қилинадигани, унинг бир томчисини ҳам исроф қилмаслик, хизмат ҳақини ўз вақтида тўлашдир.



СУРАТЛАРДА:
Тошкент ҳамда Пскент туманларида тоза ичимлик сув қувурларини тортиш жараёни давом этмоқда.
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Ҳозир Илғор маҳалласидаги 345 та хонадонда 2765 киши яшаётир. Бу ерда ҳам маҳалла аҳли ҳар куни эрта тонгдан сув ташувчи машина олдида узундан-узоқ навбатда туришарди. Маҳалла болакайлари мактабда ўқиш ва уй юмушларига ёрдамлашиш баробарида кунда сув ташишга мажбур эдилар. Энди навбат кутишлар-у, турли можароларга нуқта қўйилади.

Ҳозир бу ерга 550 метр узунликдаги сув қувурлари тортиб келинаяпти. Мутасаддиларнинг айтишича, бир ҳафта ичида хонадонларга оби-ҳаёт кириб боради.

– Бундан ташқари, Рамадон маҳалласидаги насос станцияси таъмирланиб, муддати ўтганлари янгилари билан алмаштирилади. Битта электротрансформатор олиб келиб ўрнатилади, — дейди туман «Сувоқава» шўъба корхонаси раҳбари Абдурасул Қурбонов.

Пскент тумани Дўстбеков қишлоғидаги Қашқадарё маҳалласига ҳам ичимлик суви олиб келинди. Бунинг учун 2 йил давомида қаровсиз қолиб, хароба ҳолга келган сув минораси таъмирланди. Янги, замонавий қувур ва насослар ўрнатилди. Бу ишлар учун давлат томонидан 55 миллион сўм маблағ ажратилди.

— Авваллари 1-1,5 километр масофадан сув ташиб келардик, — дейди қишлоқ фуқароси Мурод Бердиев. – Тирикчилик, кундалик эҳтиёж билан бирга бирон-бир йиғин ўтказиш ҳам катта муаммо эди. Хайрият, энди бизнинг ҳудудда ҳам тоза ичимлик суви муаммоси бартараф этилди.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

### Хомтама

**Ёши элликни қоралаган, фарзандлари бўй етиб қолган кап-катта киши очиқ суд мажлисига тўпланган тумонат одам қаршисидаги қора курсида ўтириб, атрофга жавдираганча, хатосини энди тушунганини, қилмишидан қаттиқ пушаймон эканини, ўзи ҳеч қаерда ишламаслигини, уч фарзанди борлигини инобатга олиб, жазо белгилашда енгиллик беришларини сўраб ёлворса, жуда хунук кўринаркан. Кейинги пушаймон ўзингга душман деганларидек, шайтоннинг васвасасига учиб, нафсига эрк беришдан аввал ақли қаёқда эди? Хомтамаликнинг охири маломат эканлигини шу ёшга етиб, наҳотки, билмаган бўлса?**

# ЧАЛПАК ЭМАС, МАЛОМАТ ЁҒИЛАДИ

Билишга-ку, биларди, аммо ғойибдан келажак жарақ-жарақ пуллар кўз олдида жилвалангач, босар-тусарини билмай, нафснинг қулига айланди. Аслида, шайтоннинг васвасаси эътиқоди суст, иродаси заиф кишиларни ақлдан оздиради, тўғри йўлдан тойдиради.

Энди иддаодан муддаога ўтадиган бўлсак, чирчиқлик Зоҳутхон Нуримбоев «шудгордаги қуйруқ»қа интилди-ю, жиноят тўрига илинди. Қозоғистонлик Бегали исмли таниши бир эмас, икки эмас, нақд бешта «КамАЗ» машинасида умумий қиймати 17 миллион 700 минг сўмлик 1416 қоп «Бидай уни»ни яширинча жойлаштириб, кейин хуфёна сотишга ёрдам берса, камида бир миллион сўм мўмай даромадли бўлиб қолишини айтганда, кўзлари ёниб кетди. Шунча ун четдан қандай йўллар билан олиб кирилди, ҳужжатлари борми ё йўқми, суриштириб ўтирмади. Эрта-индин ҳамёнига тушажак текин пуллар онгу шуурини хиралаштирди-ю, бу қинғир ишнинг ортидан келадиган фалокатни унутди. Ачинарлиси шундаки, у ўзининг бу жиноий ишига укаси Ойбек Нуринбоевни ҳам шерик қилди.

Аммо бу мақсадни амалга ошириш осон эмасди. Ахир 1416 қоп унни яширишнинг ўзи бўлмайди. Аввало, ишончли одам, қолаверса, кўздан йироқроқ жой топиш керак. Бу иш ҳам хамирдан қил суғургандек, осонгина ҳал бўлди. Ўзининг қариндоши, шаҳардаги «Ҳусайн Мирзо» хусусий корхонаси директори Ҳусниддин Нурметовни авради:

— Кўнглинг хотиржам бўлсин, ҳамма ҳужжатлари бадастир. Омборингда бўш жой ҳам бор экан. Биласан, «Бидай уни»нинг бозори чаққон, омбор тезда бўшайди.

Мўмай даромаддан тили бурро Зоҳутхоннинг булбулдек сайраши Х. Нурматовни сеҳрлаб қўйди шекилли, розилик берганини ўзи ҳам билмай қолди. Иш осон кўчганидан хурсанд бўлган ака-ука «тадбиркорлар» енг шимариб харидор излашга тушдилар.

Лекин улар чучварани хом санашган эди. Табиийки, 1416 қоп ун республикага божхона назоратидан четда бўлган ҳар қандай айланма йўллар орқали олиб кирилган бўлмасин, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг сергак ва зукко ходимлари назаридан қочиб қутулолмасди. Ойбек Нуринбоев «Ҳусайн Мирзо» хусусий дўкони омборидан 10 қоп унни ўзи танимайдиган фуқаро Ҳасан Холматовга 150 минг сўмга сотаётган пайтда вилоят прокуратураси қошидаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ҳамда вилоят миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан қўлга туширилди...

Суд мажлисида судланувчиларнинг ўз айбига иқрор бўлганлари ҳамда гувоҳ сифатида сўроқ қилинганлар берган маълумотлар асосида З. Нуримбоев билан О. Нуринбоев айбдор деб топилди. Суд ҳукмига мувофиқ далилий ашё сифатида олинган 17 миллион 700 минг сўмлик 1416 қоп ун қонун йўли билан давлат фойдасига мусодара қилинди. З. Нуримбоев билан О. Нуринбоевнинг суд мажлисида айбларига тўла иқрор бўлганлари ва қилмишларидан қаттиқ пушаймон эканликлари, илгари судланмаганликлари, оилавий шароитлари, уч нафардан фарзандлари борлиги, улар содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси инобатга олиниб, уларга бериладиган жазо енгиллаштирилиб, ҳар бирига энг кам иш ҳақининг 150 баробари, яъни 1 миллион 620 минг сўмдан жарима жазоси тайинланди.

Мақолага шу ерда нуқта қўйилса ҳам бўларди. Аммо бизнингча, ушбу жиноят содир этилишига сабаб бўлган айрим иллатларни яна бир бор мушоҳада қилиб кўриш лозимга ўхшайди.

Биринчидан, фақат шахсий манфаатини ўйлаб, текин даромад кетидан қувиш ҳеч қачон яхшилик билан тугамаган. Бундай йўлга кирганларнинг бугун бўлмаса, эртага одил судловнинг қора курсисига ўтириб, қилмишларига яраша жазо олишлари муқаррар.

Иккинчидан, айрим кишилар табиатидаги лоқайдлик ҳам бир кунмас бир кун уларни жиноят кўчасига буриб юбориши мумкинлигини юқоридаги жиноий иш тўла тасдиқлади. Хусусий корхонани бошқариш салоҳиятига эга бўлган Х. Нурметовнинг чет элдан келтирилган оз эмас, кўп эмас, 1416 қоп унни ўз корхонаси омборига яшириб қўйишларига розилик берганини қандай изоҳлаш мумкин? Шунча уннинг тўғри молми ёки ўғри молми эканлигини наҳотки суриштириб билмаган бўлса?

Хулоса шуки, ноқонуний бойлик орттириш, текин даромад топиш жиноятдир. Бизнинг изчил ислоҳ қилинаётган одил судлов тизимимизда эса ҳар қандай жиноятга жазо муқаррардир.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ҲАФТАЛИК ДОИРАСИДА

**Пойтахтимизда "Ўзбекистонда тиббиёт ҳафталиги" давом этмоқда. Мазкур тадбир доирасида "Stomatology Uzbekistan–2007" учинчи халқаро кўргазмаси очилди.**

Уни ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Стоматологлар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, "Ўзтибтехника" акциядорлик компанияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этди.

Ҳозирги кунда юртимизда юзлаб стоматологик хизмат кўрсатиш хоналари, поликлиникалар, хусусий шифо масканлари аҳолига тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Қишлоқ аҳолисига тезкор маслаҳат-ташхис ва даволаш ёрдами кўрсатиш учун қишлоқ врачлик пунктлари ҳузурида стоматология хоналари ишлаб турибди. Тизимда касалликларнинг олдини олиш ва даволашга хизмат қиладиган самарали усул ва воситалардан ҳамда замонавий асбоб-ускуналардан кенг фойдаланиляпти.

Юртимизда қатор йиллардан буён ўтказилаётган "Stomatology Uzbekistan" халқаро кўргазмасининг ўзига хос ўрни бор. Бу йил унинг иштирокчилари кўлами ҳам кенгайди. Кўргазмада Болгария, Германия, Италия, Покистон, Россия, АҚШ, Украина, Швейцария ва Жанубий Кореядан ўттиз бешдан кўпроқ компания ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

**ЎзА.**

# КАРДИОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

**"Ўзэкспомарказ"да кардиология ва кардиожарроҳлик бўйича биринчи халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.**

"Ўзбекистонда тиббиёт ҳафталиги" лойиҳаси доирасида ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Россия ва Украинадан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Анжуманда кардиология соҳасида мамлакатимиз ва жаҳон илм-фани эришаётган ютуқлар, янги даволаш усул ва воситалари, замонавий препаратлардан фойдаланиш самараси, бу борада олимлар ва мутахассислар олдида турган долзарб вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

**ЎзА.**

**Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, автомобиль йўлларида ҳаракатланиш маданиятини ошириш, болаларда ҳаракат қоидаларига тўлиқ риоя этишни шакллантириш бугунги кунда нафақат ҳаракат хавфсизлиги хизмати ходимларининг, балки кенг жамоатчиликнинг ҳамкорликдаги ишига айланди. Зеро, сўнгги вақтларда автомобиль йўлларида содир бўлаётган транспорт ҳодисалари қанчадан-қанча кишиларнинг саломатлигига жиддий путур етказмоқда.**

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ – ҲАММАНИНГ ИШИ

Энг ташвишланарлиси бу бахтсизликлар оқибатида инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юммоқда. Бу ҳолат нафақат вилоятимизда ёки республикамизда, балки бутун жаҳонда долзарб мавзуга айланди. Шу сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий комиссияси котибиятининг қарорига асосан 2007 йил 23-29 апрель кунлари «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳафталиги» ўтказилаяпти.

Шунга биноан вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан корхона ва ташкилотларда, мактаб ва маҳаллаларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мавзуларида суҳбатлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Унда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ҳайдовчи ва йўловчилар, шунингдек, ўқувчилар билан жонли мулоқотлар ўтказишди ва махсус йўриқномалар тарқатилди.

Айтиш жоизки, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳар бир тадбир кенг жамоатчиликнинг кўмаги билангина ижобий самара беради. Шундай экан, биз вилоятимиз фуқаролари «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳафталиги» тадбирида фаол иштирок этишлари ва амалий ёрдам беришларига умид қиламиз.

**Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,**
**вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори.**

# ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ БИЗДАН, ТЎЛОВИ СИЗДАН

**«Тошкент электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти вилоятдаги 7891 та корхона, ташкилот ва муассасаларни ҳамда 480 мингдан ортиқ хонадонларни электр энергияси билан таъминлаб келмоқда. Электр энергияси саноат асосида ишлаб чиқарила бошланганлиги, иқтисодиётнинг кескин ривожланиши, инсон қўл меҳнатини енгиллаштириб, ҳаёт фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири бўлди. Ҳозирги даврда кундалик ҳаётимизни электр энергиясисиз тасаввур қила олмаймиз.**



Шу йилнинг биринчи чорагида вилоят истеъмолчиларига 1690 миллион киловатт-соат ёки 67 926,2 миллион сўмлик электр энергияси етказиб берилди. Бу эса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,4 миллион киловатт-соат ортиқдир. Сарфланаётган электр энергияси миқдорини аниқ ҳисоблаш мақсадида индукцион ҳисоблагичлар ўрнига 39900 та бир фазалик ва 2078 та уч фазалик замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириб, 2007 йилда «Электрон-ҳисоблагич» Ўзбекистон–Хитой қўшма корхонаси билан ҳамкорликда Ангрен шаҳрида 1570 та хонадонга янги, замонавий электрон ҳисоблагич ўрнатилиб, автомат тарзда назорат қилиш тизимига боғланди. Натижада энергия билан таъминловчи ташкилот компьютер орқали ҳар бир хонадонни ҳисоблагич кўрсаткичи ҳамда энергиядан тўғри фойдаланаётганлигини масофадан туриб назорат қила олишга эришди.

Истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга минглаб энергетикларнинг туну кун қилаётган машаққатли меҳнати, тизимдаги ускуналар ва мураккаб технологик жараёнларнинг бир маромда ишлаши эвазига эришилмоқда.

*Энергетика тизимини бир маромда ишлаб туриши ва ривожланиши эса тўғридан-тўғри истеъмолчилар томонидан электр энергияси учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳақ тўланишига боғлиқ. Шунга қарамай, ўзлари сарфлаган энергия ҳақини вақтида тўламайдиган истеъмолчилар ҳам учраб турибди.*

*Аҳоли энергия ҳақини ойма-ой тўлаб туриши шарт. Бу борада ҳукуматимиз томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, қарздорларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўйиш ва қарзларни қонун доирасида мажбурий ундириб олиш белгиланган.*

*Хулоса қилиб айтганда, эртанги кунда хонадонларимиз ёруғ, қишда иссиқ, ёз жазирамасида эса салқин бўлиши энергетиклар билан бир қаторда истеъмолчиларнинг ўзларига ҳам боғлиқ. Улар электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаб туришса олам гулистон.*

***«Тошкент электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти.***

## АДИБНИ ХОТИРЛАБ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ҳамид Ғулом замондошлари хотирасида" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, адабиёт мухлислари иштирок этди.**

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, адабиётшунос Наим Каримов, Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон ва бошқалар мамлакатимизда миллий адабиётимизни равнақ топтириш, атоқли адиблар хотирасини эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган "Ҳамид Ғулом замондошлари хотирасида" китобида унинг дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдларининг адиб ҳақидаги хотиралари билан танишиш мумкин.

**ЎзА.**



Замондош ҳақида сўз

# УСТОЗ, ОЛИМ ВА ИЖОДКОР

**Бу дунёда ҳар ким ўз орзу-интилишлари, истеъдод ва салоҳиятига яраша белгиланган даражаларга эришиб боради. Шундай одамлар борки ўзгалар манфаатини кўзлаб, бошқаларнинг умр йўлини мунаввар ёритиб яшайди. Шахс маънавиятини тарбиялаш ҳамда уни ривожлантириш йўлини улар юксак бурч деб биладилар. Шу жиҳатдан қараганда, Анвар Каримовнинг ҳаёти, ижодий, илмий-педагогик фаолияти нафақат ўз замондошлари, балки, келгуси авлодлар учун ҳам ибратли.**

Филолог-журналист, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети телекўрсатув ва радиоэшиттириш кафедраси доценти Анвар Каримов билимга чанқоқлиги, устозлари ўгитига ҳамиша содиқлигини ёшликданоқ намоён қила бошлади. Мактабни олтин медаль билан тамомлади. Тошкент Давлат университетининг филология факультетини имтиёзли диплом билан битирди.

Дастлабки, ижодий фаолияти Ўзбекистон телевидениесида бошланди. Уни «Ёшлик» телестудияси қошидаги «Ёшлар» таҳририятига муҳаррирликка таклиф этишди. Анвар Каримов ўзига билдирилган ишончни оқлашга дадил қадамлар билан киришди, катта муҳаррир, бўлим бошлиғи, бош муҳаррирлик лавозимларида ишлади. 1968 йилдан университетда талабаларга билим улашиб, кўп ўтмай, «Ўзбекистонда телевидениенинг вужудга келиши ва ривожланиши» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Журналистика факультетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, факультет деканi лавозимларида ишлаб бутун билим ва тажрибаларини талабаларга сингдиришга интилиб яшади. Ўн йилдан зиёд даврда «Телекўрсатув ва радиоэшиттириш» кафедраси жамоасига бошчилик қилди. Шунингдек, узоқ йиллик педагогик, илмий-тадқиқотчилик, ижодий фаолияти давомида катта тажрибага эга бўлган камтарин, меҳнатсевар устоз сифатида ҳурмат қозонди. Республикамиз илмий, ижодий жамоатчилигига биринчи телевидениешунос, телевидение танқидчиси, публицист ҳамда моҳир таржимон сифатида танилди. Телевидение тарихи, назарияси ва амалиётига оид икки мингдан зиёд мақола, рецензия, очерк, эссе, интервьюлари чоп этилди. Шу билан бирга «Ўзбекистонда телевидение» ,«Телевидение Узбекистана», «Инсон зийнати» каби китоблари кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Анвар Каримов бир қатор хорижий мамлакатларнинг нуфузли анжуманларида илмий маърузалари билан иштирок этган. Шунингдек, Россия, Украина, Қозоғистон, Сурия, Малайзия, Эрон мамлакатларида чоп этилган китоб ҳамда илмий тўпламларда бир қатор мақолалари эълон қилинган.

Анвар Каримов таржимон ва сценарист сифатида ҳам жаҳон адабиёти дурдоналаридан Ж. Неру, Прем Чанд, Р. Брэдбери, Р. Киплинг, О. Гончар, А. Атакишев асарларини ўзбек тилига ўгириб, китобхонлар ҳукмига ҳавола этди. Унинг сценарийси асосида яратилган «Она ер фарзандлари», «Академик Т. А. Саримсоқов» фильмлари жаҳон экранларига муносиб топилган.

Доцент А. Каримовнинг издошлари, шогирдлари бугунги кунда нафақат юртимиз, балки ўнлаб хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида, нуфузли халқаро ташкилотларда самарали меҳнат қилмоқда.

Олий таълим аълочиси Анвар Каримовнинг миллий журналистикамиз тараққиёти йўлидаги салмоқли меҳнатларини ҳукуматимиз юксак баҳолаб, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирлади.

Истеъдодли педагог ёш авлодни ўз билим ва тажрибаларидан ҳамон баҳраманд этиб келмоқда.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

Тақдимот

# ТУН ЎТИБ, ТОНГ ОТАДИ...

**Ўзбек миллий академик драма театри репертуари томошабин дидига мос, чуқур мазмунли спектакллар ҳисобига бойиб бормоқда. Сўнгги пайтларда Жуманиёз Жабборов қаламига мансуб «Нексия», Тилаб ва Дилбар Маҳмудовлар асари — «Омонат дунё» сингари ўткир сюжетли, тарбиявий аҳамиятга молик спектакллар саҳналаштирилди.**

Куни кеча театрда итальян адиби Эдуардо де Филиппо қаламига мансуб «Тун албатта ўтади...» пъесаси асосида саҳналаштирилган спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди.

Ғира-шира тонг. Кичиккина хонадон, қашшоққина оила. Ота — Женнаро (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммадали Абдуқундузов). Она — Амалия (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Раметова). Уларнинг ўғли Амедио (артист Алишер Узоқов), қизлари — Мария (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева). Яна беш яшар қизалоқлари Ретучи ҳам бор, у саҳнада кўринмайди. Бироқ, спектакль ечимида ўша қизалоқ асосий — ҳал қилувчи ролни ўйнайди.



Женнаро виждонан қийналади. Чунки, хотини чайқовчилик билан шуғулланади. Ахир у полиция қўлига тушиб қолиши мумкин. Тезда унинг қўрққани бўлди. Хонадонга полициячи келаётганини хабар қилишди. Женнаро хотини молларини беркитган яшик устига ўрин солиб, мурда тусига киради. Ияги бойланган, устига оқ чойшаб ёпилган. Мурданинг бош томонига тўртта шам ёқиб қўйилган. Амалия, Мария, Аделаида ўтириб олиб, «Вой, отажоним» деб шундай фарёд чекишадики, отаси бу дунёни чинданам тарк этган дейсиз.

Важоҳат билан полиция ходими кириб, мурда тепасига келади:

— Тур ўрнингдан! Майнавозчиликни бас қил, контрабанда молларни яширгансан, ҳозир тинтув қиламан.

Женнаро қаттиқ таъсирланади. Хотинига:

— Амалия, мен кетаман, мурда бўлишни бошқа истамайман... — дейди.

Кейинги саҳнада Амалия ясан-тусан қилиб, жазмани Эрико билан ўтирибди. Қизи Мария ҳам ёмон йўлга кириб кетган. У ёқда ўғли Амедиони ўғрилик қилгани учун полиция қидиряпти. Ана пул, бойлик ташвишлари, маишат маломатлари. Бу ҳам камдай, кичик қизи Ретучи касал бўлиб қолади, иссиғи баланд. Ўлим хавфи бор. Шундагина Амалия эсини йиғиб, 14 ойдан буён дом-дараксиз кетган эрини эслайди.

Туғилган куни маишат пайти Эрико Амалияга севги изҳор қилиб турганида, Женнаро кириб келади. Ҳамма ҳанг-манг бўлиб, ҳушёр тортади.

Асар ғояси, сюжетларнинг ранг-баранглиги билан томошабинни ҳайратга солади. Уни қиёмига етказиб таржима қилган Усмон Азим ҳам, саҳналаштирган режиссёр А. Гамиров ҳам асар мазмуни ва руҳини тўлиқ сақлаб қолишга уринишган. Саҳна безаги, либослар танлашда рассом Шуҳрат Абдумаликов, Севара Зуннунованинг хизматлари мақтовга лойиқ. Спектаклни томоша қилиб ўтириб, иштирок этган ҳар бир актёрнинг ижросига алоҳида тўхталгинг келади. Женнаро — меҳрибон ота. У қалбидаги дардни тўла очиб берган:

— Мен шу ерда бўлганимда бошингизга бунчалик кулфат тушмасди. Оилада хатар содир бўлса, аввало ота айбдор. Виждонга тик боқиш зарур...

У бу сўзларни эҳтирос билан айтади.

Амалия аслида софдил, покиза аёл, фақат бойлик, мол-дунё унинг кўзини кўр қилиб қўйган. Лекин пировардида ўз хатосини англайди. Бу хислатларни актриса ниҳоятда моҳирлик, нозик ифодалар билан очиб берган.

Спектаклда кишини ҳайратга соладиган, яна бир образ бор. Бу — Малика Иброҳимова ижро этган Аделаида роли. Уни итальян аёлларидан фарқ қилолмайсиз, юриш-туриши, сўзлаш оҳанглари, кулиб туриб йиғлаши жуда ишонарли чиққан. Спектаклда иштирок этган бошқа ижрочилар ҳақида ҳам ана шундай илиқ сўзларни айтгинг келади.

Хулоса қилиб айтганда, театр жамоаси юқори савияли саҳна асари яратган. У томошабинни чуқур мулоҳаза юритишга ундайди. Юрт тинчлиги, инсонларнинг қадр-қиммати, меҳр-оқибати, эътиқодини мустаҳкамлашни олий мақсад қилиб қўяди.

**Фарида УСМОНОВА,**
**республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.**

*Аъзам АЗИМИЙ*

# ТАҚДИР АРИФМЕТИКАСИ

*(Саргузашт қисса)*

## СЕҲРГАР

— Э-ҳа, гап бизнинг геофакдаги Ливия тўғрисида экан-да, — деди чапак чалиб Елена ва Черепановга юзланди: — Уни сиз кўрмагансиз, Юрий Иванович. Мен Ливияни бор-йўғи икки марта кўрганман, холос! Икки марта ҳам унинг чиройи олдида оғзим очилиб қолган. У ажойиб тарзда, шарқона кийинган эди. Юришини айтмайсизми. Худди парилардек, лабида сезилар.сезилмас табассум. Катта-катта кўзлари осмондек тиниқ ва кўкимтир. Бироқ Ливия ҳақида пастки курс қизларидан ножўя гаплар ҳам эшитганман. Албатта, Ливиянинг чиройига хуштор бўлганлар жуда кўп эди. Аммо уларнинг ҳаммалари катталарнинг болалари экан. Ливия эса йигитларнинг бирontасини ёнига яқинлаштирмаган. Ливиянинг яқин дугонаси Галанинг айтишича, унда шундай бир даҳшатли ҳусусият бор эмишки, кимки унга суйкала бошласа, ҳамманинг кўз ўнгида бир фалокатга дучор бўларкан. Масалан, академик Мельниковнинг ўғли Ливиянинг оёғи остига йиқилиб, майиб бўлганини, қўшиқчи Вовка Соловейнинг эса бурни қонаб кетганини Галанинг ўзи кўрган. Аммо Ливиянинг яхши кўрган йигити, айтишларича, пойтахт қиморвозларининг бошлиғи Максим эмиш...

Юрий Черепанов газетада шу ҳақда чоп этилган фельетонни ўқиганини, бироқ Алексей Киртбаянинг обрўсизланишига бу фельетондан кўра кўпроқ «Нью-Йорк таймс» газетасида чиққан Ливиянинг мақоласи сабаб бўлганлигини айтди.

– «Башорат» сарлавҳали бу мақолада Ливия ўзининг математик ҳисобларига асосланиб тасдиқлашича, – деб Черепанов мийиғида кулиб қўйди, – ҳукуматимиз раҳбари Хрущев 1964 йили, яъни беш йилдан кейин ишдан олинар эмиш! Кейин ҳар тўққиз йилда, яъни 1973 ва 1982 йилларда шундай сиёсий ўзгаришлар юз берарканки, оқибатда 1991 йилга келиб, мамлакат парчаланиб кетар эмиш!

– Вой-бў-ў, шундай фикрни қўрқмай чоп эттирганига қойилман! – деди Елена бош чайқаб. – Ливия соғ эмас! Соғ одам бундай тентакнамо фикрларни айтмайди.

– Чирой-пиройига қарамай, Ливияларингни қамаб, ашаддий жиноятчиларнинг ихтиёрига ташлаш керак! – деди алам билан шу пайтгача индамай ўтирган Сергей.

– Дўстим, бунчалар жоҳил бўлманг, – деди Черепанов ва доноларча урғу бериб деди, – бу эркин фикрлиликнинг, қолаверса, ўзбилармонликнинг натижаси. Шунинг учун калтак келиб Алексей Киртбаянинг бошида синди. Шунда ҳам уни жуда ерга уриб юборишмади. Урал халқ хўжалиги Кенгашига раис қилиб жўнатишди...

Маргарита Николаеванинг номи билан бошланган гаплар Ливиянинг ғийбати билан тугади. Мен эса унинг ҳимояси учун бирор асос, бирор кескин сўз тополмай ўтирардим. Дилимга хиралик, юрагимга шубҳа солган суҳбат тугаши билан ўрнимдан турдим.

– Суҳбатимизнинг бошида сиз «Киртбаяларнинг қизиқ ва сирли оиласи» деган эдингиз, – деб Черепановни тўхтатдим. – «Қизиқ» томонини эшитдик. Аммо «сирли» томони нимада?

– «Сирли» томони шундаки, – деди Черепанов жилмайиб. – Алексей Киртбаянинг шоҳига болта урган бошлиқ, кўп ўтмай, тўсатдан ўлади. Ливия Киртбаяни талабаликдан ҳайдаган бизнинг ректоримиз эса буйруққа қўл қўйганидан роппа-роса беш кун кейин инсульт бўлиб йиқилди. Унинг аҳволи ҳали ҳам оғир. «Сирли» томони яна шундаки, Ливия Киртбая ҳақида фельетон ёзган иккала журналист, шаҳарнинг икки четида бўлганликларига қарамай, бир вақтда, бир хил ажал билан – автомобиль тўқнашувида ҳалок бўлишди...

Ташқарига йўл олганимда Сергей менга эргашди.

– Жин урсин чиройли қизларни! – деди Сергей асаб билан сигарета тутатиб. – Ливияни чет элда саводини чиқариб, учига чиққан фоҳишага айлантириб юборишган! Болаларнинг айтишича, у шундай касал экан-ки, бир кеча-да...

Товонимдаги қон миямга чиқиб, Сергейнинг жағига шундай куч билан мушт урдимки, у икки-уч метр нарига бориб тушди. Лекин ўрнидан турмади. Ўзим унинг ёқасидан тортиб, турғаздим...

– Ўзлари ҳақидаги бўҳтонларга ботиб юриш барча чиройли аёлларнинг қисмати, уларнинг фожиаси. Шу сабабдан бундай аёллар ҳақидаги ифлос гапларнинг 99 фоизи ҳусндан буюрмаган аёлларнинг ва аламзада жазманларнинг тўқималаридан бошқа нарса эмас, – деб кекса муҳандис мени тинчлантирмоқчи бўлди.

Аммо мен тинчимадим. Туни билан ухлай олмадим. Эрталаб овқатланганни ошхонага борганимда, москваликлар ичида Еленани кўрмадим. Кейин билсам, тунда йиқилиб, оёғини синдириб олибди. Жағи шишиб кетган Сергей бўлса, кўзимга қаролмасди. Ер остига тушиб, ҳамма ўз забойига қараб йўл олди. Сергейнинг тунда гапирган сўнгги сўзлари бутун иш пайти қулоғим остида жаранглаб турди. Шундай бўлса-да, уни урганимдан хижолатда эдим. Шунинг учун ер юзига чиққанимизда ундан узр сўрашга аҳд қилдим. Аммо Сергей ташқарига чиқмади. Забой шифти Сергейни босиб қолибди. Бу фожиани ўз кўзи билан кўрган Юрий Черепанов даҳшатга тушди. Сергейнинг жасади солинган темир тобут олдида бирор сўз айтолмади, кўзёшини тиёлмади. Елена эса, практикасининг қолган кунларини ётоқхона эшиги олдида, гипсланган оёғини чўзиб, хомуш ўтириб ўтказди.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

(Давоми бор).

Маданият

**Истиқлол йилларида миллий маданият, адабиёт ва санъат йўналишида олиб борилаётган кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, кино санъати ривожида ўзига хос янгиликлар, интилиш ва изланишлар сезилмоқда. Ўзбек киноижодкорларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари шу соҳага бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлиги билан ҳам эътиборлидир.**



# КИНОТЕАТР ҚАЙТА ТУҒИЛДИ

Томошабинларсиз ҳувиллаб, қаровсиз ҳолга келиб қолган кинотеатрлар кейинги йилларда қайта тикланиб, фаолиятини бошлаб юборганлиги маънавиятга чанқоқ халқимизнинг кўнглидаги иш бўлаяпти. Бунда, албатта, оҳангаронлик Турсунали Шарипов каби ишбилармон тадбиркорларимизнинг ҳиссаси катта. Шаҳар марказида жойлашган эски кинотеатр биноси унинг саъй-ҳаракатлари билан қайтадан тикланди. Чиройли қилиб таъмирланган бино пештоқидаги «Хонобод» сўзи кўзга яққол ташланади.



Республика миқёсида давом этаётган кинофестивалнинг вилоятда ўтадиган тадбирлари Оҳангарон шаҳрининг шу маданият масканида ўтказилганлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Унда режиссёр Ориф Йўлдошевнинг «Уйин» кинофильми намойиш этилди. Оҳангаронликларнинг маданий ҳаётида рўй бераётган бундай ўзгаришлар, шубҳасиз эзгуликка хизмат қилади. Эътиборли жиҳати, 90 миллион сўм сарфланиб, қайта иш бошлаган ушбу кинотеатрда 15 киши иш билан таъминланди.

**Саида РАҲМОНОВА.**

**СУРАТЛАРДА:**

маданият масканининг умумий кўриниши; тадбиркор Турсунали Шарипов (ўртада) бир гуруҳ фестиваль қатнашчилари даврасида.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

Жиноятга жазо муқаррар




Азиз Шарипов (исм-фамилияси ўзгартирилган) «Чилонзор» буюм бозорида гилам савдоси билан шуғулланарди. Бир куни омади келиб, мўмайгина пул ишлади-ю, эски касали қўзиди. Қариндоши Маҳмуд Шарипов билан ютуғини нишонлашга қарор қилди. У ишини одатдагидан вақтлироқ тугатиб, бозордаги ошхоналарнинг бирида «яхшилаб» овқатланди. Шу орада дўсти Шароф Маҳкамов ўзининг «Нексия» автомашинасида таниши Зоир Билолов билан келиб қолди. Азизнинг ширакайфлигини кўриб Шароф унга гап қотди:

– Ҳа, ишлар юришган кўринади, кайфиятинг чоғ.

– Шундай, ўтиринглар, зиёфат мендан... – деди ширакайф Азиз.

– Шундоқ ҳам кайфинг ошиб кетибди. Тағин бир балони бошлаб юрмагин...

– Бўпти, бўпти, фақат бир шарт билан, мени Ғалабага ташлаб қўйсанглар.

Улар йўлда «Кўксарой» ошхонасида машинани тўхтатишиб, зиёфатни давом эттиришди. Тошкент туманидаги Ғалаба кўчасига қоронғи тушганда етиб келишди. Кичик дўкон олдида уч-тўрт киши гаплашиб турарди. Улардан бири – Ҳасан исмли йигит «Нексия»ни ҳайдаб келган Шарофни огоҳлантирди.

– Оғайни, бизнинг маҳаллада машинани секинроқ ҳайдаларинг, бу сенларга катта кўча эмас.

Шароф машинасига ўтириб, Азиздан қайси жойда ташлаб қўйишни сўради. Шу пайт Азизни машинада кўрган Ҳасан, унинг ёнига келиб:

– Хуш келибдилар маҳалламизга, қадамларига ҳасанот. Қайси шамоллар учирди, — дея киноя билан кўришди. Чунки, бир неча йиллар аввал улар орасида жанжалли воқеа юз берганди. Ғирт маст Азизни кўрган Ҳасан ўтган хотираларни бир-бир ёдга солди:

– Эсингдами, менинг 800 минг сўмлик хўрозимни ўғирлаган эдинг?

Шу аснода икки эски таниш ўртасида даҳанаки жанг бошланди. Ҳасан кутилмаганда рақибига яқин келиб, юзига мушт туширди. Азизнинг жанжаллашишга ҳам, ҳақоратларга жавоб қайтаришга ҳам ҳоли йўқ эди. У қўлини силтаб, чайқалганча машинага бориб ўтирди. Ҳасаннинг эса, бежавоб қолган мунозарадан баттар фиғони фалакка чиқди. Бақир-чақирларни эшитган маҳалла аҳли чиқиб, зўравонларга танбеҳ беришди:

— Жанжаллашгиларинг келса, бошқа жой топинглар, маҳалламизнинг тинчини бузманглар, — дейишгандан сўнг улар машинага ўтириб бошқа томонга қараб кетишди. Машина ичида йигитлар Ҳасанни аранг босиб ўтиришди. Улар Зангиота тумани Иттифоқ маҳалласидаги Ўзбекистон кўчасига етишганида Азиз машинани тўхтатишни буюрди. Шароф, Азиз ва Ҳасан машинадан тушиб, жанжални давом эттиришди. Азиз ишида фойдаланадиган «пакки»си билан Ҳасаннинг бир неча жойига оғир жароҳат етказгач, уни яқин ўртадаги касалхонага олиб боришди. Шифокорларнинг ёрдамларига қарамай, жароҳатлари оғирлиги ва кўп қон йўқотганлиги сабабли бемор ҳаётини сақлаб қолишолмади.

Бу воқеадан сўнг, Азиз Шарипов устидан жиноий иш қўзғатилди. Қотиллик далиллар ва гувоҳлар билан асосланиб, судга оширилди. Ниҳоят, одил суд ҳукми эълон қилинди:

«Шарипов Азиз Дониёрович Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 97-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилиб, 14 йил муддатга озодликдан маҳрум этилсин».

Суд якунига етди. Ҳукм ўқиб эшиттирилди. Аммо айбдор 14 йилга қамалгани билан энди Ҳасанни ҳаётга қайтариб бўлмайди. Бу билан Азиз учинчи марта жиноятга қўл уриши. Илгариги хатоларидан етарли сабоқ чиқармагани учун яна панжара ортига қайтди.

Жиноятга жазо муқаррар. Лекин қанийди бу дунёнинг ҳар бир лаҳзаси инсон умрининг заволи учун эмас, унинг бахти, камолига хизмат қилса. Бунга эса ўзимиз, ўз саъй-ҳаракатларимиз билангина эришишимиз мумкин.

**Толиб КАРИМОВ,**
**Зангиота тумани прокуратураси катта терговчиси.**

**Об-ҳаво**

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 28 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-14, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-17, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Ҳамза туманидаги 282-мактаб томонидан 1994 йилда Байтураева Мадина Эркинбаевна номига берилган А № 423765 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов туманидаги "ALI AKBAR-ShOX" хусусий фирмасига 2004 йил 27 ноябрда берилган № 29895 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 7311. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.05. 1 2 3 4 5